

АБУ ҲАФС НАСАФИЙ ВА УНИНГ “АЛ-ЯВОҚИТ ФИ-Л-МАВОҚИТ” АСАРИ

Махсумхонов Раҳматхон Аҳмаджонович

Ўқитувчи-стажёр, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Аннотация: Ушбу мақолада Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти, “ал-Явоқит фи-л-мавоқит асарининг маҳаллий ва хорижий кутубхоналарда сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Калит сўзлар: Насаф, ҳадис, қалом, фиқҳ, вакф, муҳр, Амир Ҳайдар, Ҳожса Порсо.

Насаф диёридан дунёга машҳур олимлар етишиб чиқкан. Ана шундай дунё эътироф этган олимлардан бири Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон Насафийдир.

Абу Ҳафс Насафийнинг туғилган йили ҳақида тарожим китобларида турли маълумотлар учрайди. Манбалардаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида олимнинг туғилган йили 461/1069 йил эканлиги маълум бўлди.

Абу Ҳафс Насафий дастлабки сабоқни машҳур олим Абу-л-Аббос Мустағфирийнинг (ваф. 432/1041 й.) шогирди – отаси Муҳаммад ибн Аҳмаддан олган. Ўзининг “Матлаъу-н-нужум ва мажмаъул улум” асарида отасидан ривоят қилган ҳадисларни келтирган[1:246^a]. Олимнинг болалик ва ўсмирлик йилларига оид маълумотлар унинг зиёли оиласа түғилиб, камол топганини кўрсатади. У ҳадис ва араб тили бўйича илк илмларни ўз юрти Насафда олган. Жумладан, Насафдаги “Бобу-л-мақсур” деган жойда жума намозидан кейин Мустағфирий фарзандлари томонидан ўтказиладиган ҳадис дарсларида иштирок этиб, илмини бойитган. Абу-л-Ҳасан Касбавий (ваф. 485/1092 й.)дан адабиёт илмини ўрганган[2:432].

Абу Ҳафс Насафий машҳур олимлар даврасида таҳсилни давом эттириб, тез фурсатда қалом, ҳадис, фиқҳ каби илмларни мукаммал эгаллаган. Шамсу-л-аймма Ҳалвоий ва унинг шогирдлари Абу Муин Насафий (ваф. 508/1114 й.), Бану Маоза оиласи, Абу Исҳок Иброҳим Саффор (ваф. 534/1139 й.) асос солган саффорийлар оиласи каби маҳаллий илмий мактаблар унинг етук олим бўлиб етишишига муҳит яратди. Абу Ҳафс Насафий 550 та устозининг номи киритилган “Тиъдоду-ш-шуюхи ли Умар” (Умарнинг шайхлари сони) номли асар ёзган. Манбаларга кўра, унинг устозлари ва шайхларининг аксариятини муҳаддислар ташкил қилади. Чунки олимнинг кейинги фаолияти ҳадис илмига қаратилганлиги манбаларда зикр этилади[3:395].

Абу Ҳафс Насафий Ҳасан ибн Абдулмалик Қозий, Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик Насафий, Маҳдий ибн Муҳаммад Алавий, Абдуллоҳ ибн Али ибн Исо Насафий, Ҳусайн Кошғарий, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад Самарқандий, Али ибн Ҳасан Мотуридий, Муҳаммад ибн Аҳмад Маймаргий (тав. 442/1051 й.), Али ибн

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Баён Абу-л-Қосим, Рazzоз (423/032-510/1116 йй.), Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 485/1092 йй.), Абу-л-Аббос Мустағфирийнинг невараси ҳофиз Абу Ражо Қутайба ибн Муҳаммад Усмоний (ваф. 473/1081 йй.) каби ўз даврининг машхур муҳаддисларидан ҳадис ривоят қилган.

Олимнинг ҳадис илмига багишланган “Ал-Явоқит фи-л-мавоқит” (фазилатли вақтлар хусусида ёқутдек маълумотлар) асари XI-XII асрларда Мовароуннаҳр диёрида ҳадис илмининг қай даражада ривожланганини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси фондида сақланаётган, Султон Амир Ҳайдар вафотидан сўнг фарзанди томонидан илм аҳлига вақф қилиб қолдирилган Абу Ҳафс Умар Насафий (537/1142 йилда вафот этган) томонидан ёзилган “ал-Явоқит фил мавоқит” (фазилатли вақтлар хусусида ёқутдек маълумотлар) қўлёзма асари ой ва кунларнинг фазилати борасида ёзилган асардир. Қўлёзма XIX асрнинг биринчи чорагига тегишли. Асарнинг ҳар бир варағига муҳр босилган бўлиб, муҳрда “Вақф намуд ин нусха бе риё ҳоқонди дин парвар би руҳи волиди худ ҳазрат Султон Амир Ҳайдар” (ушбу қўлёзма нусха бериё динпарвар подшоҳ отамиз ҳазрат Султон Амир Ҳайдар руҳлари шод бўлиши учун вақф қилинди) деб ёзилган. Муҳрга “1242 ҳижрий йил” (1826 мелодий йил) санаси қўйилган. Ушбу қўлёзма нусха Р3176 рақам остида сақланмоқда. Қўлёзма нусха Али ибн Ҳаким Термизий томонидан 840 ҳижрий йил (1445 мелодий йил) да кўчирилган, 400 варақдан иборат, ўлчами 18x26. Ушбу асар муалиф вафот этганидан 57 йилдан кейин 594/1198 йилда имло (диктофка) тарзида ёзилган[4:2^a].

Мазкур асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси фондида Р3104 рақами остида сақланмоқда. Ушбу нусхага ҳам вақф муҳри урилган бўлиб, муҳрда “Ибн Маҳмуд Бухорий вақф Ҳожа Порсо” деб ёзилган. Шунингдек, муҳрда 1224/1809 йил санаси ҳам ёзилган. Қўлёзма нусханинг охирида Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад томонидан 642/1244 йилда ёзилгани айтиб ўтилган. Қўлёзма 193 варақдан иборта, ўлчами 18x30,5[5:193^b]. Ушбу қўлёзма Р3176 рақамли қўлёзмадан кўра анча қадимий бўлиб, қўлёzmанинг бошланиши Р3176 рақамли қўлёzmанинг 211a варак, 4-қатордаги (سَبِيلُ اللَّهِ) “Сабил Аллоҳ” сўзидан бошланади. Икки қўлёзма нусханинг вақф қилиниши ўртасида 17 йил фарқ мавжуд. Амир Ҳайдар томонидан вақф қилинган нусха 1826 йилда, Ибн Маҳмуд Бухорий томонидан вақф қилинган нусха эса, 1809 йилда вақф қилинган.

Ушбу қўлёзма китоб дунё қўлёзма фондларида ҳам сақланмоқда. Хусусан, Саудия Арабистонининг “Хизонат ат-туроқ” кутубхонасида №33424 рақам остида сақланади. Ушбу қўлёзма нусхага “Явоқитул мавоқит” деб ном қўйилган.

Шунингдек, яна бир қўлёзма нусха Ҳиндистоннинг Рамбур шаҳрида Ризо кутубхонасида №(434) 1/123 рақам остида сақланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафий қомусий олим бўлган. У ўзининг замонасида кўзга қўринган илм соҳаларининг барчасида асар ёзган бўлиб, олимнинг асарлари ҳозирги кунда ҳам энг мўтабар манба сифатида ўқилиб, тадқиқ қилиниб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси фондида сакланётган “ал-Явоқит фи-л-мавоқит” асари Марказий Осиё минтақасида ҳадис илмининг қай даражада тараққий этганини аниқлашдаги муҳим манбадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Ҳафс Насафий. Усулу-д-дин ала иътиқоди-л-муҳтадин // Матлаъу-н-нужум ва мажмаъу-л-улум. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, Р: 1462. – В. 246^a.
2. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд. – Б. 432.
3. Абдулқодир Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. – Ж. I. – Б. 395.
4. Абу Ҳафс Насафий. ал-Явоқит фи-л-мавоқит. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, Р: 3176. – В. 2^a.
5. Абу Ҳафс Насафий. ал-Явоқит фи-л-мавоқит. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, Р: 3104. – В. 193^b.